



**«АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА
ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ»
мавзусидаги профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг
I-илмий-амалий конференцияси материаллари
ТЎПЛАМИ**

30-31 май 2017 йил

Тошкент

НАВБАТГУЛЛИ АФСОНАК (*THERMOPSIS ALTERNIFLORA* REGEL & SCHMALH) НИНГ АГРОТЕХНИКАСИ ВА БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

С.Ш.Юлдашева, Х.Ф.Махмудова
ТДАУ

Ушбу мақолада Доривор *Thermopsis alterniflora* - Афсонак Фарбий Тянь-Шаньнинг эндем ўсимлиги ҳисобланади. Шу сабабли бу ўсимликни кўпайтириш, биоэкологиясини ва агротехникасини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади. Афсонак Фарбий Тянь-Шаньнинг эндем ўсимлиги ҳисобланади. Ушбу ўсимликнинг биоэкологияси ва етиштириш агротехникаси баён қилинган.

Калит сўзлар: биоэкология, агротехника, алколоид, крахмал, эфир мойли, термопсин.

Қириш. Доривор *Thermopsis alterniflora* - Афсонак Фарбий Тянь-Шаньнинг эндем ўсимлиги ҳисобланади. Шу сабабли бу ўсимликни кўпайтириш, биоэкологиясини ва агротехникасини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади. Афсонак Фарбий Тянь-Шаньнинг эндем ўсимлиги ҳисобланади. [1]. Хазанович Р.Л., Руссиян М.И., Гомолицкий П.А. лар ўз ишларида маҳаллий ва четдан келтирилган доривор, крахмал сақловчи ва эфир-мойли ўсимликларни интродукция шароитида ўсиши ва ривожланиши, кимёвий таркибининг ўзгаришларини ўргандилар ҳамда *Thermopsis alterniflora* ер устки қисмидан куйидаги алкалоидлар олинган: цитизин, пахикарпин, п-метилцитизин, термопсин, альтерамин, диметамин, анагирин, аргентин, аргентамин [2].

Тадқиқот услуб ва материаллар: Хўжаев Қ.Х. ва Холматов Ҳ.Х. лар эса коллекциядаги доривор ўсимликларни маданий ҳолда ўстириш ва уларга қўлланиладиган агротехник тадбирлари устида илмий иш олиб бордилар [3].

Ҳозирги кунда *Thermopsis alterniflora* етиштиришнинг агротехник тадбирлари ва биоэкологияси ўрганилмаган.

Тадқиқот натижаси: Етиштиришнинг агротехникаси ва биоэкологияси. *T. alterniflora* мезофит ўсимлик бўлиб, тоғолди ҳудудларида ҳавонинг ёзги куруқлигига бардош беради, шамолга чидамли, қишқи совуқлардан талафот кўрмайди. *T. alterniflora* тупроқнинг унумдорлиги ва таркибига бефарқ ўсимликдир, республикамиздаги барча турдаги тупроқларда яхши ўсади. Факат шўр тупроқли ва ботқоқ ерларни ёқтирмайди. Кузги шудгорлаш вақтида ҳар гектар майдонга 40 тоннадан гўнг солинади. Майдон 25-30 см чуқурликда ҳайдалади. *T. alterniflora* уруғи эрта баҳорда (март) ёки кеч кузда экилади. Кузда экилганда униши яхши бўлади. Баҳорги экишда ялли униши учун уруғ 2-3 соат 20-25^oС илиқ сувда ивитиб қўйилади ва юпка қилиб ёйилади, тез қуриши учун дам-бадам аралаштириб турилади. Сочилувчан ҳолга келгач, уруғ экилади. Уруғ қадаш чуқурлиги 1 см атрофида, қаторлар оралиғи 60-70 см, гектарига 10-12 кг уруғ сарфланади. Майсаларида 3-5 тадан чин барг ҳосил бўлгач, ягона қилинади ва ҳар метр ерда 5-7 тадан баравж ниҳоллар қолдирилади. Ниҳолларнинг бу даражада сийраклантирилиши ўсимликнинг дурқун бўлишини таъминлайди.

T. alterniflora экилган майдон биринчи йили май-июнь мавсумида 2 марта юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади, 6-7 марта сугорилади (март-сентябрь-1). Иккинчи ва кейинги йилларда 3-4 марта сугорилади. *T. alterniflora* тупларининг шох-шаббалари бир-бирига тутшиб кетгунгача 2-3 марта (май, июнь) ўток қилинади. Биринчи вегетация йилида ўсимликнинг баландлиги 30-40 см.ни ташкил этади. Биринчи вегетация йилида ўсимликларда ялли гуллаш кузатилмайди. Иккинчи ва кейинги йиллардан бошлаб, ер устки қисми гунчалаш ва гуллашнинг бошланишида йиғиб олинади.

Ер устки қисмининг ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 20-30 центнерни ташкил этади.

Хом-ашёнигиштириш апрель-май ойларида, гунчалаш даври ва гуллашнинг бошланишида амалга оширилади. Бунда ўсимликнинг ер устки қисми ўроқ ёрдамида тупроқдан 3-5 см баландликда, тикланиш қуртақларига зарар етказмасдан ўрилади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, афсонак захарли бўлганлиги учун эҳтикорлик чораларини қўллаш лозим: ишлаш давомида чекиш, ичиш мумкин эмас, овқатланишдан олдин албатта қўлларни яхшилаб ювиш, нафас олиш органларини докали боғламалар билан ҳимоялаш лозим.

Янги ўриб олинган ўт иложи борича тезроқ асфальтланган майдонларга юпка қилиб ёйиб чиқилади. Ўсимлик ҳўл вазидан ярмидан кўпини йўқотиши билан ва поясини синдирганда шира ажралмаса маҳсус иш қуроқлари ёрдамида 2-6 см қилиб майдаланади ва яна қуриштириш учун майдонларга ёйиб чиқилади. Йиғиб олинган вақтда ва қуриштириш мобайнида маҳсулотни атмосферадаги ёгин туфайли намланишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда бу ҳолат унинг сифатини кескин пасайиб кетишига олиб келади. Ҳавода қуриган хом-ашёни матодан тикланган қопчаларга 20-40 кг қилиб жойлаштирилади. Уларни қуруқ, ҳаво яхши алмашинадиган жойларда, стеллажларда икки йилгача сақлаш мумкин. Хом-ашё ўзига ҳос кучсиз ҳилли бўлади. Унинг таркибида цитизиннинг миқдори - 1% дан кам бўлмаслиги, намлик - 12%дан ошмаслиги, умумий қулнинг миқдори 9% дан ошмаслиги, кўнғир тусга кирган барглари ва бўлакланмаган илдизли поялари 3% дан кўп бўлмаслиги, органик қолдиқлар 2% дан ошмаслиги, минерал моддалар 1% дан кўп бўлмаслиги керак.

Хулоса ва тавсиялар: шундай қилиб, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида табиий захираси камайиб кетаётганлиги сабабли афсонак плантацияларини ташкил этиш учун денгиз сатҳидан 1200-1500

ривожланади. Шунингдек республика дори-дармон саноатининг ихтисослашган хўжаликлариغا интродукция қилиб ўстиришга тавсия бўлади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Сахобиддинов С.С. Флора Средней Азии - как источник лекарственного сырья // Сб. науч. трудов ТашГУ. – Ташкент: 1961. Ботаника. – вып. 187. – С. 210-215.
2. Холматов Х. Х. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана. – Ташкент: Медицина, 1984. – 277с.
3. Тайжанов К.Т. Состояние и перспективы использования алколоидоносных растений и задачи исследования // Растительные ресурсы: Сб. науч. тр. – М.: 1986. – вып. 22. №1. – С.3-11.
4. Белוליпов И. В. Интродукция травянистых растений природной флоры Средней Азии (Эколого-интродукционный анализ). – Ташкент, Фан, 1989. – 147 с.
5. Кабулов С., Матжанова Х.К., Орел М.М. Способ оценки солеустойчивости растений // Государственное патентное ведомство РУз. Свидетельство № IDP 04642. 05.01.2001.

ИСИРИҚ (АДРАПСАН), ОДДИЙ ИСИРИҚ- PEGANUM HARMALA L. ТАРҚАЛИШИ ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ВА ЗАМОНАВИЙ МЕДИЦИНАДАГИ АҲАМИЯТИ

И.В.Белוליпов, Х.А.Ахмедов, А.М.Исламов
ТДАУ

Мақолада исирӣқ ўсимлигининг қайси оиллага мансублиги тавсифи, тарқалиши, фойдаланиши йўллари, шифобахш таъсири ҳақида милоддан аввал ёзиб қолдирилган фикрлар, халқ табобатида қўлланилиши, ҳозирги замон медицинадаги аҳамияти тўғрисида келтирилган.

Zygophyllaceae- кўшарокдошлар оиласига мансуб, бўйи 20-60 см бўладиган ўт ўсимлик. Илдизи яхши ривожланган, 2 м чуқурликка жойлашган, айрим маълумотларга кўра илдизи 5 м ва ундан кўп чуқурликка етиб боради. Пояси бир нечта, сершоҳ. Барглари оддий, 4-5 бўлакка (бўлаклари чизиксимон-ништарсимон) патсимон ажралган бўлиб, киска банди ёрдамида, юкоридагилари бандсиз пояси билан шоҳларида кетма-кет жойлашган. Оқ ёки сарғиш гуллари шоҳларининг юкори қисмида якка-якка ўрнашган. Меваси – шарсимон, уч чанокли кўсакча. Уруги майда уч қиррали кўнғир-жигарранг усти томони нотекис майда чуқурчалари бор. Май-июнь ойларида гуллайди, меваси августда етилади. Хом ашё сифатида ўсимликнинг ер устки қисми ва уруги ишлатилади. Ўсимликнинг ҳамма қисми захарли.

МДХ давлатларининг Европа қимининг жанубий районларида, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказдаги чўлларида, адирларда фойдаланилмаётган ўтлоқларда, тоғларнинг қуйи қисмида, кумлоқ, тошлоқ тупроқли жойларда бегона ўт сифатида экинзорларда ҳам ўсади. Ер устки қисми қўлланилади. Гаркибида 1,5 – 3% (илдизида 2,15- 2,70 , уругида – 3,5- 6 %) гармин, пеганин, (вазицин), дезоксипеганин ва бошқа алкалоидлар бор. Гармин алкалоидининг хлоргидрат тузи энцефалит касаллигининг асоратини, тутканок, калтирок ва паркинсон касалликларини даволашда қўлланилган. Дезоксипеганин гидрохлориднинг ампуладаги эритмаси мнастения, мнопатия ва бошқа мускул касалликлари – неврит (мононеврит, полиневрит) кабиларда ишлатилади.

Грипп касалиги авж олган пайтларда исирӣқни тутатиб бемор ётган хонани дезинфекция қилиш яхши натижа беради.

Исирӣқ ўтидан 96% ли спиртда 1:1 нисбатда 21 кун тиндириб қўйилган ажратма тайёрланади. 6-12 томчидан 3 маҳал шол, паркинсон, энцефалитомастит, шизофрения касалликларини даволашда ичилади.

Илмий табобатда асосан ажратиб олинган алкалоидлари, β-пеганин, дезоксипеганин, гарманин ишлатилади. 1% сув ёрдамида йирик майдаланган ўтидан олинган дамлама кучли бактерицид таъсирга эга. Исирӣқ қадим замонлардан бери халқ табобатида кенг ишлатилиб келинган. Унинг ер устки қисмини эзиб бўғинлар огриганда ва нервлар шамоллаганда огриган ерларга боғлашни Ибн Сино буюрган эди. Абу Али Ибн Сино маълумотларига кўра исирӣқдан суяк бўғинлари огришида, нерв шамоллаши, ичак ва бавосил, қораталок ва бошқа касалликларини даволашда фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўша вақтларда ҳам исирӣқнинг огрик қолдириш хусусияти табибларга маълум бўлган. Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма халқ орасида бод, безгак, тутқанок, уйқусизлик, шамоллаш ва бошқа касалликларда тинчлантирувчи, ухлатувчи ва огрик қолдирувчи восита сифатида қўлланилади. Бу қайнатма яна кўтир ва бошқа тери касалликларига ҳам шифо бўлади. Шунингдек ер устки қисмининг қайнатмаси терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга.

Нафас қисийиш ва нафас олиш қийинлашган вақтларда исирӣқ уруги қайнатмасини зигир уруги қайнатмаси билан, захм ва бод касалликларида исирӣқ уруги қайнатмасини қаланпир уруги қайнатмаси билан бирга кўшиб ичиш тавсия қилинади.

Исирӣқ ўсимлигининг шифобахш таъсири ҳақида милоддан аввал ёзиб қолдирилган. «Авесто»да (м.а. V-VII асрлар) исирӣқни тинчлантирувчи, ёқимсиз хидларни йўқотувчи (дезодарант сифатида) хоссалари ёзиб қолдирилган. Халқ табобатида исирӣқ ўтидан чой дамлаб ичилса, неврастения, тутқанок,